

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” факультети

“Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси

КУРС ИШИ

**Мавзу: Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион фаолиятни
бошқаришни такомиллаштириш**

Тошкент–2012

Режа

КИРИШ

3-6

1. Инновацион фаолият тушунчаси, инновацион менежментнинг моҳияти, ташкилий тизими ва мазмуни. 6-13
2. Инновацияларни туркумлаш, баҳолаш ва кодлаштириш тизими. 13–19
3. Тикув-трикотаж корхоналарининг технологик хусусиятлари ва уларнинг инновацион бошқарув тизимини ташкил этишга таъсири 19 – 27

Хулоса

28-30

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

31–32

КИРИШ

Инновацион технологиялар-мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий кудратининг гаровидир. У аксарият ҳолларда мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашида муҳим мезон ҳисобланади, глобал рақобат курашида ғалаба қозонишига эса имконият яратади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак.”¹

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга қўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз–ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат.²

Микродаражада қарайдиган бўлсак, технология, айниқса инновацион технология ҳар қандай давлатнинг захирадаги стратегик имконияти, ресурси ҳисобланиб, унинг ёрдамида аҳолининг фаровонлиги таъминланади, фан,

¹ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 56 б.

² Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б. (б.84-88)

ишлаб чиқариш ва давлат ўртасида янги муносабатларни шакллантириш, мувофиқлаштириш, бошқарув амалиётига янгича қараш ва янги фалсафани жорий этишни талаб қилади. Ўз навбатида, бу ҳолат яратилган илғор технологияни бирон-бир давлат ўз монополиясига айлантиришига ҳаққи йўқлигини, у халқаро аҳамиятга эга бўлиб, миллий чегараларни билмаслигини, у фундаментал фанлар билан узвий боғлиқ эканлигини ва унинг таркибий қисми эканлигини англатади. Бу технологиялар фуқаролик технологияларини жадал ривожлантиришга, истиқболли барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга хизмат қилиши лозим.

Шу нуқтаи-назардан, танлаган илмий иш мавзуси бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланиб, енгил саноат, хусусан тикув-трикотаж корхоналари бошқарув фаолиятини янада ривожлантириш бўйича яратилаётган инновацион дастурлар ва лойиҳалар, ушбу соҳага инновацияларни жалб қилиш тизимини комплекс таҳлил қилиш, бошқариш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Курс ишининг асосий **мақсади** мамлакатимиз тикув-трикотаж корхоналарини бошқаришдаги мавжуд вазиятни тадқиқ қилиш асосида саноат корхоналари иқтисодий барқарорлиги ва ривожланишини таъминловчи инновацион фаолиятни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Курс ишининг вазифалари:

- инновацияларни таҳлил қилиш соҳасидаги асосий концептуал қарашларни кўриб чиқиш;
- инновациялар ва корхоналарининг иқтисодий базаси ўртасидаги сабаб-натижа алоқаларини ўрнатиш;
- инновацияларнинг динамикаси ва инновацион фаолиятнинг асосий тенденцияларини таҳлил этиш;
- республикамизнинг енгил саноат тармоғида қулай инновация иқлимини шакллантиришга кўмак берувчи шароитлар таҳлилини ўтказиш ;

- инновация фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини тикув-трикотаж корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши омиллари сифатида баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- тикув-трикотаж корхоналарининг инновацион фаоллигини оширишга йўналтирилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Курс ишининг умумназарий ва методологик асосини мамлакатимиз ва чет эл олимларининг инновацион фаолиятини тадқиқ қилишга бағишланган ишларни таҳлил қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида инновация жараёнларини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланишини ташкил этади.

Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион фаолиятни бошқаришнинг назарий-услубий асослари яхлит тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар бу муаммога янада ойдинлик киритади. Бу эса инновацияларни бошқаришга таъсир қилувчи омилларни комплекс тадқиқ этишга, келгусида унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин..

асосий ҳолатлар:

- “инновация” атамаси талқини аниқлаштирилган;

- инновация фаолияти ва тикув-трикотаж корхоналарини фаолият юритиши самарадорлигини ўзаро боғлиқ равишда амалга оширишнинг асосий йўналишларини тадқиқ этилган;

- тикув-трикотаж корхоналарини инновацион жозибадорлиги баҳоланган;

- тикув-трикотаж корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий янгилиги:

- “инновация”, “инновация сиёсати”, «инновация иқлими» каби иқтисодий атамалар аниқлаштирилди, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги моҳияти очиб берилган;

– замонавий шароитларда тикув-трикотаж корхоналари инновацион фаолиятининг асосий тенденциялари аниқланган;

– инновацияларнинг тикув-трикотаж корхоналарини иқтисодий барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашдаги амалий аҳамияти ва зарурияти асослаб берилган;

– Республикамизнинг енгил саноат тармоғида қулай инновацион иқлимни шакллантиришга қўмаклашувчи омиллар таҳлили ўтказилган;

– тикув-трикотаж корхоналари молиявий барқарорлиги ва ривожланишининг зарур шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш соҳасидаги инновация сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган;

– тикув-трикотаж корхоналарида инновацион фаолиятни фаоллаштиришнинг асосий йўналишлари асосланган.

Ишнинг амалий тавсияларидан тикув-трикотаж корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш бўйича давлатнинг мақсадли дастурлари, услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

1. Инновацион фаолият тушунчаси, инновацион менежментнинг моҳияти, ташкилий тизими ва мазмуни.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида иқтисодий Дастур қабул қилинди ва унинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

- таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

- мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш кабилар.³

Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир муҳим устувор йўналиши—бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланади.

Республикамизда корхоналарнинг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга изчил оширилмоқда. Чунки, инновациялар давлатнинг иқтисодий имкониятларини ошира олишга қодир бўлган муҳим қуроллардан бири ҳисобланади.

Инновациялар мамлакат иқтисодиёти реал тармоқларида истиқболли ўзгаришлар қилиш орқали қудратли саноат потенциалини яратиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Инновация фаолиятни жонлантириш иқтисодиётни соғломлаштирилиши, уни иқтисодий таназзулдан чиқиши ва барқарор ривожлантирилиши учун шароитлар яратишнинг асоси ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирининг асосий йўналишларидан бири-халқаро майдонда инвестицион фаолликнинг пасайиб бориши оқибатида мамлакатимизда кўзда тутилган айрим инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишининг кечикиши мумкинлиги билан изоҳланади.

³ Б.А. Хасанов Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари фаолиятига таъсири.-Ж. «Тўқимачилик муаммолари», 1-сон,2009 й., б. 5-6

Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта куруллантириш, модернизациялашнинг 2009-2014 йилларга мўлжалланган лойиҳалари таркибида инновацион технологияларнинг салмоғи 45,4 % бўлиши кўзда тутилган.

Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпайди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Технологик инновациялар ҳаражатларининг 2/3 қисми тўртта тармоққа йўналтирилган: машинасозлик ва металлга ишлов бериш – 23,7%, ёқилғи саноати – 18,9%, озиқ-овқат саноати – 16,6%, ва рангли металлургия – 9,6%.

Ўзбекистон тикув-трикотаж корхоналарида инновацион характердаги инвестицион лойиҳаларни жорий этишнинг муҳим рағбатлантирувчи омиллари мавжудки, уларнинг асосийлари қаторида қуйидагиларни келтириш лозим:

- Барқарор хом ашё базасининг мавжудлиги;
- Энергоресурслар қийматининг нисбатан пастлиги;
- Унча қиммат бўлмаган ва юқори малакали ишчи кучининг мавжудлиги;
- Ривожланган коммуникация тизимини, банк ва юридик хизматларнинг мавжудлиги;
- Асосий қисм маҳсулотнинг минтақа ва ички бозорда сотилиши ва истъмол қилиниши.

Ҳозирда енгил саноат тизимида 100 дан ортиқ давлатлар билан, хусусан Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа хорижий инвесторлар иштирокида 50 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, натижада йилига 100 миллион дондан ортиқ тайёр маҳсулотлар (спорт кийими, катталар кийими, болалар кийими, ички кийим ва ҳ.к.) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхоналар фаолият

юритмоқда. Мамлакат ичида пахта хом ашёсини қайта ишлаш 30 % га етди. Йигирув, тўқув ва тикув жараёнларини комплекс ўз ичига олган ҳолда ишлайдиган замонавий тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Инвестиция шартномасида қонун ҳужжатларида белгиланган шартлардан ташқари божхона тўловларидан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар рўйхати кўрсатилади, шунингдек хорижий инвесторнинг қуйидаги қўшимча мажбуриятлари назарда тутилади:

- четдан келтириладиган асбоб-ускуналарни лойиҳанинг техник - иқтисодий асосланишида белгиланган муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланишга топшириш;
- асбоб-ускуналар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қувватига чиқиш;
- тикув-трикотаж ва тўқимачилик ишлаб чиқаришларнинг ишлаб чиқариш қувватини беш йил мобайнида камида 70 фоиз, калава ишлаб чиқариш қувватини камида 85 фоиз даражасида сақлаш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг камида 70 фоизини экспортга сотиш;
- янги иш ўринлари ташкил этиш.
- Хорижий инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Тузилган инвестиция шартномаси шартлари хорижий инвестор томонидан бажарилмаган тақдирда имтиёзлар ва преференциялар берилиши натижасида бўшаган маблағлар тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ундирилади.

Ҳозирги пайтда инновацияларни амалга оширишнинг иккита усулини келтириб ўтиш лозим:

1. Хўжалик усулида инновацияларни амалга ошириш.
2. Пудрат усулида инновацияларни амалга ошириш.

Таҳлилларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги пайтда технологик ривожланиш истикболини белгилаб берувчи янги технологиялар сотиб олиш учун инновация харажатларининг 3,6% и, ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш ҳамда маркетинг тадқиқотларига – инновация харажатларининг 2,9% и сарфланаётганлиги илғор хорижий технологияларни инвестиция қилишга кам эътибор бераётганлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш бўйича харажатлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш, тажриба ва синовлар ўтказиш харажатлари қўшилиб, янги маҳсулот ва технологик жараёнларни жорий этиш учун корхона томонидан инновация харажатларининг 67,7%и ташкил этаётганлиги кузатилмоқда.

Бундай ҳолат инновация фаолиятдан келаётган самарадорликнинг паст бўлиб қолишига олиб келмоқда. Бу биринчи навбатда, инновацион

маҳсулотнинг енгил саноат маҳсулотлари таркибидаги умумий ҳажмининг солиштирма оғирлиги пастлиги билан изоҳланади. 2009 йилда бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 4.4% ўсишни ташкил этади, холос.

Шунингдек, инновация харажатларининг салмоқли улуши янгилик олиб киришни амалга ошириш учун зарур бўлган замонавий кашфиётлар, ихтироларни ўзида мужассам этган машина, жиҳоз, ускуна ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқдир. Афсуски, ҳозирги даврда бу усулда инновацияларни жалб этиш кўпроқ салмоққа эга.

Умуман олганда, баҳо, пул муомаласи, харажатлар ва солиқлар каби бозор механизмлари таъсиридан фойдаланиб корхоналарда маҳаллийлаштириш дастури асосида арзон ва қулай маҳаллий хом ашё, малакали ишчи кучидан фойдаланиб, инновацион фаолиятни шакллантириш, ташкил этиш ва амалга оширишдан энг самарали бошқарув дастаги сифатида зарур эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарлари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай корхоналар сони бугунги кунда 200 тадан ошиб, уларнинг аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5-7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053 сонли «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70% ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19-ноябрдаги Ф-4010 сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат

банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди;
- уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;
- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;
- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;
- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайта мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган. Жумладан:

- 1) тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қурулантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва

инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

2) ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

3) банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

2. Инновацияларни туркумлаш, баҳолаш ва кодлаштириш тизими.

Тикув корхонасида бошқарувни ташкил этишнинг бошланғич ва зарур шарти ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашдир. У яратилган материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар тайёр буюмга айланиши зарур бўлган асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг ўзаро боғлиқликдаги йиғиндисидан иборатдир. Ишлаб чиқариш жараёни меҳнатни ишчилар жамоаси ўртасида тақсимланиши ва улар ўртасида жиҳозлар, машиналар, механизмлар, бинолар, иншоотлар ва бошқаларнинг тегишли равишда тақсимланишини талаб этади. Юқорида айтилганларнинг барчаси бир қатор бўлинмалар: цехлар, участкалар, маълум хизматлар яратилиши заруриятини келтириб чиқаради. Уларнинг таркиби, ҳажми, ўрнатилишини режалаштирилиши ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг шаклини акс эттиради. Бўлинмаларнинг умумлашуви, уларнинг таркиби ва ўзаро алоқасининг шакллари корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кун жаҳон иқтисодиётида юз бераётган сифат ўсишлари иқтисодий ривожланишни белгилаб берувчи омиллар ва манбалар мазмунида сезиларли қайта гуруҳлаш бўлиб ўтаётганлигини намён этмоқда. Иқтисодий ўсиш анъанавий ресурслари (манбалари)нинг имкониятлари қисқариб бораётганлиги улардан фойдаланишнинг жисмоний муддатлари яқинлашганлиги ҳамда самарадорлик пасайиб бораётганлиги, табиатни

қўриқлаш бўйича чора-тадбирлар харажатлари ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бу эса ХХІ асрда янги иқтисодий ўсиш моделларини ўрнатиш зарурлиги ва янги моделнинг доминанти инновацион жараёнлар, илмий билимлар, янги технология, маҳсулотлар ва хизматлар тизими бўлими кераклигини аңглатади.

Инновацион тизимларнинг бош компонентлари сифатида технологик, илмий ва илмий техник, ижтимоий-ташкилий, бошқарув янгиликлари, шунингдек илмий билимлар, ихтиролар, ноу-хау ва турли моддий ташувчиларда мужассам бўлган когнитив янгиликлар юзага келмоқда. Қайта ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларида юзага келган ҳолда янги киритмалар (инновациялар) турларга ажралиши, келиб чиқиши, мазмуни, мақсади, янгилик киритиш даражаси, фан-мазмуний тузилмаси, тарқатилиши даражаси ва иқтисодий жараёнларга таъсири бўйича фарқланади. **(1-расм).**



1-расм. Инновация ва инновацион жараёнлар таснифи

Бу инновацион фаолият қандайдир янгиликни тадбиқ этишнинг ягона ҳаракати эмас, балки янгиликларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш, амалиётга сингдириш (диффузия) ва коммерциализациялаш бўйича мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими эканлигини англатади. Инновацион фаолият, инновацион ташаббус, инновацион эҳтиёж ва тадбиркорлик уринишларининг максимуми сифатида амалга оширилиши мумкин.

Фаолиятнинг кўп вариантли, альтернатив (муқобил) тури сифатида инновацион жараёни ўзаро боғлиқ бўлган кўринишлар комплекси – яъни илмий ғоя туғилишидан тортиб уни коммерциализациялаш сифатида тушунишимиз керак.

Жараёнинг яхлитланиши, яъни комплекслиги инновацион фаолиятни бошқариш методлари ва усуллари мураккаблаштиради. Инновацион жараёнлар бошқарув объекти сифатида ноаниқлиги, кўп вариантлилиги билан характерланади ва ўз моҳиятига кўра эҳтимоллилиқ ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни бошқариш жараёнида турли янгиликлар ўзаро боғлиқлигини аниқлашгина эмас, балки инновацион тизимлар узлуксиз эволюциясини қўллаб-қувватлаш зарур. Шунинг учун инновацион фаолият таъсири остида иқтисоднинг тузилмавий ўзгаришлари ҳам инновацион менежмент тизимида жалб этилади.

Иқтисодиётда инновацион жараёнларнинг ўрни ўсиб бориши хўжалик тизимларининг ва бутун қайта ишлаб чиқиш циклининг динамизми (ўсиш, ҳаракатланиши) ортиб кетишига олиб келади. Бу тармоқлараро чегаралар ювилиб кетиши, талаб ва таклифнинг диверсификацияланишига олиб келади ҳам инновацион фирмаларни янги тармоқлар ва янги бозорларга кириб боришга йўналтиради. Инновацион менежментнинг объекти бўлган ҳолда янгиликлар менежерни нафақат таъсир этишнинг янги шакл ва методларини излаш, балки бошқарув жараёнини янги мазмун билан бойитиш ҳамда стратегик йўналиш белгилашга мажбур этади.

Проф.М.Маҳкамованинг фикрича: “Миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлиги инновация жараёнларининг ривожланганлиги даражасига боғлиқлиги – инновацияларнинг умумдават аҳамиятидаги муҳим жиҳатидир. Бироқ, инновация жараёнларини давлат томонидан мувофиқлаштирилишининг зарурлиги фақат уларнинг умуммиллий аҳамиятига боғлиқ эмас, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам боғлиқдир. Бир томондан, бозор иқтисодиётида инновациялар – хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор талабларини яхшироқ қондиришнинг, рақобатчиларга қараганда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш натижасида фойдани кўпайтиришнинг асосий воситасидир. Иккинчи томондан, анъанавий, классик бозор механизмлари амалда бўлган шароитларда илмий-техник натижаларга эришиш ва уларни хўжалик амалиётига жорий қилиш сезиларли даражада мураккаблашиб боради”.⁴

Инновацион фаолият бошқарувнинг оддий объекти эмас, у ходимлардан юқори малакага эга бўлишдан ташқари аниқ касбий йўналтирилганлик ва омилкорлик, шунингдек таваккалчилик маҳоратига эга бўлишини ҳам талаб этади.

Иқтисодиётнинг инновацион йўналтирилиши кучайиб бораётганлиги натижасида қайта ишлаб чиқариш жараёнига илмий билим ва кўникмалар, дастурли маҳсулотлар, патент ва лицензиялар, яъни натура-модда шаклига эга бўлмаган объектлар кўпроқ таъсир кўрсата бошлади.

Инновацион муаммолар билан шуғулланувчи фанлар «инновация» тушунчасига турли мазмунларни белгилаган. Масалан, социология фани маънавий ижод жиҳатларини алоҳида таъкидлаган ҳолда инновацияни илмий ва ақлий фаолият контекстида (бўғинида) кўриб чиқади.

Инновация – бу меҳнат фаолиятини мотивациялаш ҳамда ҳаракатланиш усулларида ва улар аввал юз берганлардан сифат даражаси нуқтаи назаридан фарқланади. Назарий тизимли тушунча эса инновацияни кўриб

⁴ Маҳкамова М.Инновация фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштирилишининг хусусиятлари. Ж.«Экономическое обозрение», 2003 йил 12 –сони.<http://www.review.uz/page/article/206.htm>

чиқиляётган тизимни ташқи муҳитга нисбатан фаол ёки пассив ўзгариш сифатида акс эттирган.

Иқтисодий адабиётларда инновацияга турлича таърифлар ва ёндашишлар мавжуд. Масалан, А.Азизов уни қуйидагича тавсифлайди:

“Инновация” сўзи бизга рус тили орқали кириб келган бўлиб, аслида ингилизча «innovation» сўздан олинган. Мазмуни эса “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Бу ўринда янгилик деб янги тартиб, янги анъана, янги усул, кашфиёт, янги ҳодисани тушунишимиз керак.⁵

Ш.Юсуфбеков эса унга қуйидагича таърифни беради: “Инновация – бу маҳсулотлар, технологиялар, ташкилотчилик ва бошқариш шаклларининг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалда қўллашга йўналтирилган фаолият бўлиб, ишлаб чиқариляётган маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни пасайтириш, сотув нархини арзонлаштириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги сотиш каналларини ўзлаштириш асосий мақсадидир”.⁶

П.Дракер инновацион фаолият тушунчасини ёритишга ўз ҳиссасини қўшган ҳолда шундай деб ёзган: «инновация – нафақат иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва баҳога эгадир, балки ижтимоий қийматга ҳам эгадир ва ижтимоий инновация – бу одатий тафаккур ва ҳаёт тарзи турининг ўзгаришидир”. «Қатъий» иқтисодий тартибга ҳаракатчанлик (динамичность)ни киритиш, янада юқориқ бўлган ноаниқлик ва таваккалчилик хавфини юритиш–бу П.Дракернинг фикри бўйича инновацион фаолиятнинг мазмунидир.

Юқорида келтирилган таърифлардан хулоса қилиб, бизнинг фикримизча, “инновация” – бу бир вақтнинг ўзида «инновация-жараён» ва «инновация-маҳсулот» ҳамда ижтимоий инновациядан иборатдир. Шу тарзда янгилик мақсад, жараён ва натижа кўринишида намоён бўляди. (1-жадвал)

⁵ А.Азизов Инновацион менежмент – стратегик режалаштириш йўналишларидан бири.//Жамият ва бошқарув.-Тошкент,2001. -№4. - 40 б.

⁶ Ш.Юсуфбеков Корхонада инновацион фаолият.Тошкент ҳақиқати – 2005 йил. Ноябрь 2 б.

Инновацияларнинг турлари ва мақсадлари

Инновацияларнинг турлари	Инновацион мақсадлар
Инновация-маҳсулот	- Яшовчанлигини таъминлаш - Даромадни ошириш - Бозор улушини ошириш - Мустақиллик - Мижозлар қизиқишини ортиши - Обрўнинг ортиши - Янги иш ўринлари яратиш - Айланма маблағ ҳамда сотиш ҳажмининг ўсиши
Инновация-жараён	- Даромаднинг ўсиши (ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, хом-ашё ва энергия тежамкорлиги натижасида) - Атроф муҳит ифлосланишининг камайиши
Ижтимоий инновациялар	- Жамият ва жамоага бўлган муносабатда ижтимоий масъулиятнинг ортиши - Фирма обрўсининг ўсиши - Мустақиллик - Меҳнат бозоридаги ҳолатнинг яхшиланиши

Инновация-маҳсулот меҳнат натижасига йўналтирилган бўлса, инновация-жараён ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган ижтимоий инновациялар бир вақтнинг ўзида инновация маҳсулот учун жиҳозга айланиши мумкин. Натижада барча инновациялар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилади,

инновацион фаолиятнинг натижасида эса ҳозирги кунда иқтисодий мўътадиллик ва келажакдаги ютуқларни қўлга киритамиз.

Инновацион фаолият ягона мантикий занжирга бирлаштирилган бир қатор чора-тадбирларни бажаришдан иборат. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини, бу фаолиятнинг ҳар бир босқичи ўз ривожланиши мантиқи бўйсундирилган, ўз қонуниятлари ва мазмунига эга. Бутун бирликка умумлашган ҳолда илмий изланишлар, илмий-техникавий ва тажриба-конструкторлик ишлари (бундан буён, ИТТКИ)лар, инвестицион-молиявий, тижорат ва ишлаб чиқариш чора тадбирлар ягона бош мақсад – янгилик яратишга қаратилган.

Инновацион фаолиятнинг бу каби характерли хусусиятлари фақатгина махсус ўқиб ўрганиш объекти бўлишигина эмас, балки махсус инвестицион, молиявий ва тижорат методлари ва тадбиркорлик шакллари амалга ошириш учун қўлланилиши мумкин. Ҳар бир инновация янгиликни ғоядан пайдо бўлишидан тортиб то коммерциализациялашгача бўлган турли босқичларни ўз ичига олган схема бўйича амалга оширилади.

3. Тикув-трикотаж корхоналарининг технологик хусусиятлари ва уларнинг инновацион бошқарув тизимини ташкил этишга таъсири.

Жаҳон тажрибаси иқтисодиёт ривожининг хомашёга ва юқори технологияларга асосланган иккита тури мавжудлигидан далолат бермоқда. Биринчи тур ривожланиш кўпинча қайта тикланмайдиган ва машаққатли меҳнат билан қазиб олинадиган табиий ресурсларни заҳирасини сарфлашга асосланиб, улар чуқур иқтисодий номутаносибликлар, сурункали ижтимоий ва молиявий қийинчиликлар билан йўлдошдир. Юқори технологияли иқтисодиётга эга давлатлар (Япония, Германия, Хитой ва бошқалар) доимий равишда ўсиб боровчи инсон салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали маҳсулот турлари ва хилларини кўпайтириш, янги билимлардан кенг фойдаланиш, тез суръатлар билан бўлмасада, аммо изчиллик билан

барқарор молиявий ва ижтимоий соҳаларда олға ҳаракатланиш хусусиятига эгадир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, баъзида ҳам ашё экспорт қилувчи ёки ундан ички мақсадларда кўп фойдаланувчи мамлакатлар томонидан табиий бойликлардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди, масалан, Канада ёки Австралияда табиий бойликларни ўзлаштиришнинг ўзи энг замонавий технологиялар ва техник воситалардан ҳам ашёни қазиб олиш ва бирламчи ишлов беришдан маҳсулотларни тайёрлаш, мураккаб механизмларни йиғиш ва уларга сервис хизматини кўрсатишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида фойдаланилмоқда. Бу эса бой табиий захираларга эга бўлган давлатлар илмий-техник жиҳатдан қолоқ бўлади, деган фикрни инкор этади.

Ривожланиш стратегиясини белгилаётган пайтда жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган ижтимоий оқибатларни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Тажрибалардан маълумки, аксарият хомашё экспорт қилишга ихтисослашган мамлакатларида нораціонал ижтимоий тузилма қарор топади, жамиятнинг қутблашганлиги ва ўрта синфнинг қарор топмаганлиги сабабли, ижтимоий мўътадиллаштирувчилик вазифасини ўтай оладиган куч мавжуд бўлмайди. Бу ўз навбатида, мамлакат ичида инновацияга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар, илмий ишланмалар секторини ривожлантириш, техник ва истеъмол сервисининг диверсификация қилинган тизимини яратиш бўйича барқарор ва етарли миқдордаги буюртмаларнинг ҳамда таълим ва тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича буюртманинг йўқлигини англатади. Сифатли товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг чекланганлиги уларни импорт ёки валюта ҳисобига четдан келтиришни мажбур қилиб қўяди.

Республикамиз иқтисодиёти, юқори технологияли ривожланиш йўналишида ўз салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда вазиятни яхшилашга эришиши мумкин. Бунда нафақат хусусий секторнинг фаолиятига, балки давлат бошқарувининг бош ислохотчилик ролига ҳам таяниш лозим.

Ўзбекистоннинг илмий-техник жиҳатдан ривожланишини таъминловчи омиллар, аввало иқтисодий тартибга солиш механизмларининг кутилаётган ўзгаришларини олдиндан баҳоланиши билан белгиланади. Ушбу ўзгаришларнинг принципал йўналишларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- хўжалик қонунчилиги меъёрлари аниқлигига эришиш ва уларни соддалаштириш;

- давлат томонидан қонунга риоя этувчи корхона ва ташкилотлар иш шароитларини енгиллаштириш ва уларга имтиёзлар бериш;

- корхоналарни давлат монополиясидан чиқариш, иқтисодиётга давлат аралашувини оқилона равишда чеклаш ва иқтисодиётни жиноятдан холи қилиш;

- инвестицияларнинг (инновацияларнинг) энг аввало асосий фондларга

яъни жамият фаровонлигининг бош манбаи бўлган ишлаб чиқариш

- самарадорлигини оширишга сарфланишини рағбатлантириш;

- солиқ тизимини такомиллаштириш ва унинг фан-техника тараққиётини ривожланишини қўллаб-қувватлашга рағбатлантириш функциясини ошириш;

- монополияга қарши курашни тартибга солишнинг аҳамиятини кучайтириш;

- давлатни илмий-тадқиқот ташкилотлари билан алоқасини кучайтириб бориш;

- ходимларнинг касбий тайёргарлиги сифати алоҳида аҳамият касб этади. Ходимлар иш ҳақи миқдорини белгилашда иш берувчилар харажатларни камайтиришга эмас, балки ходимлар касбий малакаси ва масъулиятини муносиб баҳолашга эътибор қаратилади.

“Ўзенгилсаноат” ДАК ташкилий тузилмаси таркибига 4 тармоқ кирази: тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ва чиннипазлик. Уларни бошқариш компания кенгаши ва бошқаруви томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 4 январь 2007 йилдаги 7 –

сонли» Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бир қанча қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзи бирлари кучини йўқотганлиги тўғрисида» ги қарорига биноан «Ўзенгилсаноат» ДАК таркибий тузилмасига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Бугунги кунда унинг ташкилий тузилмасида бешта тармоққа мансуб ҳар хил мулк шакллариغا эга бўлган 160 корхона ва ташкилот фаолият юритмоқда.

Тўқимачилик тармоғида 80 та (ёки жамининг 50% миқдорида), трикотажда 41 (ёки 25,6%), ипакда – 21 (ёки 13,1%), тикувчиликда – 12 (ёки 7,5%) ва чиннипазликда – 2 (ёки 1,3%) корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Ҳозирги пайтда давлат органлари тизимида таҳлилга нисбатан ёндашувлар қуйидаги сабаблар ва вазиятларга кўра зарур натижаларга эришишга ҳалақит беради:

- давлат ижтимоий-иқтисодий ва молиявий режалаштиришининг муддати кўпи билан уч йилни ташкил этади. Холбуки, макроиқтисодиёт учун бу қисқа муддат саналади.

- келгусида давлат идоралари ишидаги илмий-тадқиқотларнинг зарурати тобора ортиб боради, бу эса давлат тузилмаларининг мамлакатимиз илм-фани билан яқин ҳамкорлик қилинишини тақозо этади.

- таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун қулай инвестициявий муҳит ва шарт-шароитни яратиш; фаол ихтирочилик ва жорий этиш фаолиятни рағбатлантириш; ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда юқори технологияли секторнинг ролини ошириш;

- давлат бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этувчи стратегик иқтисодий ва ижтимоий ҳужжатларни тайёрлаш сифатини ошириш.

«Корхона лаёқатларини камида иккита мезон: салоҳият ва имконият ёрдамида таърифлаш мумкин» - деган фикрни билдирган Белгород давлат университетининг корхоналар иқтисодиёти ва бошқаруви кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди А.В. Кочетковнинг моделини қўллаш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

Корхоналарнинг инновацион захирасини ҳисоб-китоби,

(млрд.сўмда)⁷

Кўрсаткичлар	Давр мобайнида					
	2007		2008		2009	
	Харажат -лар суммаси	Улуши, %	Хаража т-лар суммаси	Улуши, %	Хаража т-лар суммаси	Улуши, %
Инновацион салоҳият	11 742	100	12664	100	14 593	100
Инновацион имконият	7 985	68	9 625	76	12 112	83
Инновацион заҳира	3 757	32	3 039	24	2 481	17

Ҳисоб-китоб кўрсаткичи - корхона салоҳияти билан унинг имкониятлари ўртасидаги фарқни кўриб чиқиш диққатга сазовордир. Уни инновацион заҳира, деб белгилайлик:

$$IR = IP - IV$$

бунда,

IP – инновацион салоҳият;

IV – инновацион имконият.

Режали иқтисодиётда мақбул фаолият юритишни биргаликдаги инновациявий заҳирани камайтириш мақсади, деб ҳам белгилаш мумкин, шу сабабли салоҳият катталиги унинг максимал имконияти томон ҳаракатланади. 2-жадвалдан кўриниб турганидек, таҳлил қилинаётган


⁷Кочетков А.В. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш.М.: «Вопросы экономики», №3, 2007 . маълумолари асосида олинган.

даврда саноат корхоналарининг инновацион захираси 2007 йилдаги 3757 млн.сўмдан 2009 йилда 2481 млн.сўмгача камайиши тенденцияси кузатилмоқда, бу эса умуман инновацион салоҳиятдан фойдаланиш яхшиланаётганидан далолат беради. Ушбу хулоса мамлакат саноат корхоналарида инновацион фаолият ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларига асосий маҳсулот (корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган)нинг тайёрланиши, назорат текширувидан ўтиши, қайта ишлов берилиши кабилар амалга ошириладиган цехлар, участкалар, лабораториялар киради.

Цехлар тўлиқ даражада мустақил, тенг ҳуқуқли бўлинма ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини хўжалик ҳисоб-китоби тамойилларида амалга оширади.

Енгил саноатда, шунингдек тикув саноатида ҳам саноат цехларининг оптимал жойлашуви бошқарув нуқтаи назаридан, одатда 4 гуруҳга бўлинади: асосий, ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари (2-расм).



2-расм. Кичик тикув корхонасининг ишлаб чиқариш тузилмаси.

Асосий цехларда сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича муомалалар бажарилади. Асосий цехлар тайёрлов-бичув, тикув ишлаб чиқарилиши, намлик-иссиқлик бериш ишлаб чиқарлиши ва экспериментал цехларга бўлинади.

Ёрдамчи цехлар (таъмирлаш-тузатиш, энергия цехи, буғ-иссиқлик) асосий цехлар эҳтиёжи бўйича хизматлрни амалга оширади: бино ёки жиҳоз эҳтиёжига кўра харажатларни (ишларни) бажаради.

Ёрдамчи асосий цехлар эҳтиёж учун буюмлар ишлаб чиқаради. Масалан, идиш, боғлам, ўрам ва ҳ.к. Кўмаклашув цехида ишлаб чиқилувчи меҳнат предметлари шундай маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бошқа корхоналардан сотиб олиниши мумкин.

Бошқа ишлаб чиқарувчи цехлар – бу асосий ишлаб чиқаришнинг чиқиндиларидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехлар, уларни одатда кенг истеъмол товарлари цехи деб атайдилар.

Ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун корхонанинг тузилмаси, ишлаб чиқаришнинг техника ва технологиялари тўлиқлигича бир-бирига мос келгандагина эришиш мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш, уни ишлаб чиқарлаётган маҳсулот, методлар, техника-технологиялардаги ўзгаришларни кўриб чиқиш зарур. Бир вақтнинг ўзида корхона ташкилий тузилмасига ҳам ўзгартиришлар киритиб борилади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- тузилмавий бўлинмаларнинг ҳажми (ўлчами), ишлаб чиқариш қувватини ошириш;
- ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш хўжаликларини марказлаштириш;
- ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш хўжаликлари реконструкциялаш ва кенгайтириш чоғида рационал ўрнатиш тамойилини танлаш;

– асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари, шунингдек, асосий ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш ўртасида пропорционалликни таъминлаш;

– техник ривожланиш таъсири остида ишлаб чиқариш бўлинмаларида янги тузилмавий бўлинмаларни яратиш ва ривожлантириш ва эски технологияли тузилмавий бўлинмаларнинг секин аста чўкиб боришини таъминлаш.

Ҳозирги даврда янги бирламчи ресурсларни айланмага жалб этиш ҳисобига иқтисодий ўсишга эришиш имкониятлари қатъий чекланган. Шунинг учун иқтисодий динамика масалаларида изчил омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, инновациялар умумдават аҳамиятининг биринчи жиҳати, уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётганлигидир. Бундан ташқари инновациялар жамият ишлаб чиқариш тузилмасига, институциявий-иқтисодий механизмларга, атроф муҳитга, халқаро техник ҳамкорлик изчиллигига, миллий ҳавфсизлик даражасига ва энг асосийси миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги рақобатбардошлигига таъсир этади. Бундан кўриб турибдики, инновация жараёнини давлат бошқариши зарур, чунки айнан у ҳозирги вақтда мамлакат ривожланиши истиқболини белгилаб беради.

Ҳозирги айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда инновация фаолиятини ягона мақсад сифатида фаоллаштириб юбориш бўйича давлат инновация сиёсатини қуйидаги ўзига хос учта асосий йўналишини ажратиш мумкин:

– фундаментал тадқиқотларни оптимал фронтини таъминлаб туриш (сақлаб туриш), мамлакатда корхоналар томонидан амалга оширилаётган тижорат инновациялари учун мақбул бўлган иқтисодий ва ижтимоий (солиқ ва молиявий) муҳитни яратиш;

– давлатнинг жамият олдида фан, таълим, маданият, спорт, ижтимоий ҳимоя экология, мудофаа ва бошқа соҳалар бўйича масъулият манфаатларига жавоб бера олувчи, давлат буюртмаси бўйича инновацияларни яратиш ва

тарқатишнинг мақсадли дастурларини давлат сектори кучлари билан бажариш ва молиялаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ташаббуслаш;

– алоҳида манфаатли корхоналар учун фойдали бўлган, аммо, ўзининг ижтимоий самарадорлигига кўра етарлича фойдалилиги билан ажралиб тура олмайдиган ёки давлатнинг тузилмавий сиёсатига қисман, айрим тармоқ ва минтакаларни тезкор ривожланишига ёрдам бера олувчи ишланмалар ва янги киритмалар, тадқиқотларни танлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Таъкидланган йўналишларнинг биринчиси мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлигини умумий қўллаб-қувватлашга, қисман уларда ишчи ўринларини сақлаш ва яратишга йўналтирилган бўлиб, давлат томонидан бу мақсадларга солиқ тўловчиларнинг воситаларини сарфланишини тўлиқ оқлайди.

Иккинчи йўналиши ўзига хос равишда жамият манфаатлари деб номланувчи бозорга хизмат кўрсатади, айтиш жоизки, бу манфаатлар бевосита уларнинг етказиб берувчилар ва якка тартибдаги истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри икки томонлама келишувларда сотиб олиниши ёки сотилиши мумкин эмас, чунки бу келишувлар учинчи шахсларга келишув нархларида кўрсатилмаган ташқи ижобий ёки салбий самаралар кўрсатади, шунинг учун ҳам давлат мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида воситаси бўлиши уларнинг номидан ҳаракатланиб, хизматлар ва маҳсулотларни сотиб олиш, тадқиқотлар ва ишланмаларни буюртма қилишига тўғри келади.

Учинчи йўналиш иккинчи йўналишга ҳақиқатда биров камроқ кўзга ташланувчи оралиқ ҳодисалар бўйича боғлиқдир. Ташқи ижтимоий самаралар юзага келиш ва айрим тижорат инновацияларига давлатнинг нотижорат мезонлари айрим манфаатдор ва корхоналар ва инвесторларнинг тижорат мезонлари билан қўлланилиши туфайли юзага келувчи ҳодисалардир.

ХУЛОСА

Инновация сиёсатининг моҳиятини қуйидагича умумлаштириш мумкин: давлат томонидан жиддий назорат қилинганлик ҳолатида тикув-трикотаж корхоналарининг инновациявий механизмни такомиллаштириш, мамлакат саноати корхоналарининг инновациявий жозибадорлигини рағбатлантириш асосида таъминлаш:

1. Ўзбекистоннинг тикув-трикотаж корхоналари доирасида маъқул инновацион иқлимни шакллантириш мақсадида:

- Тикув-трикотаж корхоналари ривожланишининг давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши учун алоҳида мақсадли орган яратиш;

- Тикув-трикотаж корхона ва ташкилотларининг қарздорлигини давлат буюртмаси бўйича қоплаб юбориши;

- Тикув-трикотаж корхоналарининг инновацион фаолиятга йўналтирган фойдаси қисмини солиқдан озод этиши;

- давлат бюджетида саноат ишлаб чиқаришида ИТТКИни молиялаштириш харажатлари улушини кўпайтириш;

- Енгил саноат комплекси мутахассисларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш қисман, бажарилаётган ишларнинг қийинлиги ва фан талабчанлиги учун компенсация сифатида иш хақиға қўшимча тўловларни назарда тутиши, шунингдек, ўтказилаётган қайта тузилмалаш муносабати билан ишчиларни қайта малакалаш махсус дастурини ишлаб чиқиш;

- Енгил саноат комплекси корхоналарида инновация лойиҳаларини молиялаштиришни амалга ошираётган тижорат банклариға кўпроқ қулайликлар берувчи режимни ўрнатиш, давлат кафолатлари тизими назарда тутиб инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва инновацияларни суғурталаш.

2. Саноат ишлаб чиқариш соҳасида инновация институтларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадларида (суғурта компаниялари мисолида):

- тадбиркорлик ассоциациялари доирасида саноат комплекси корхоналарининг иштирокида суғурта фондлари ривожланишини рағбатлантириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

- суғурта компанияларининг фаолияти устидан давлат назоратини кучайтириш, бундан лицензиялаш ва хизматлар соҳасини кенгайтириш чоғида комплекс баҳолашни назарда тутиши;

- инновация лойиҳаларини амалга ошириш доирасида корхоналарни саноат суғурталаш имтиёзларини кўпайтириш;

- саноат комплекси корхоналари ва суғурта компанияларининг конкрет инновация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро биргаликда ҳаракатланиши Дастурини ишлаб чиқиши, унда иштирокчилар учун маъқул шароитларни яратиш, томонларни экспорт консультацияси ва уни бажарилишини назорат қилишни назарда тутиш;

- инновация лойиҳалари ва дастурларини амалга оширишда қатнашиш учун суғурта компаниясини баҳолаш ва танлаш методикасини ишлаб чиқиш, унга тўлов қобилияти, молиявий қатъийлик, менежмент ва бошқа кўрсаткичлар комплекс таҳлилини кўшиш;

- саноат корхоналарини инновация лойиҳаларини амалга ошириш схемасини суғурта фирмалари иштирокида ишлаб чиқиш.

3. Саноат корхоналарининг инновацион жозибадорлигини таъминлаш мақсадида:

- саноат корхоналарининг инновацион жозибадорлигини ошириш комплекс давлат дастурини ишлаб чиқиш. Унинг асосий йўналишлари саноат субъектларининг инновацион потенциалини комплекс баҳолаш ва инновацион фаоллигининг ички омилларини сифатли яхшилаш;

- саноат комплекси корхоналарнинг инновацион жозибадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва унга биноан ҳар йилда рейтинг маълумотларини нашрда эълон қилиш;

- мамлакат иқтисодиёти корхоналари учун инновация лойиҳаларини давлат-тижорат молиялаштирилиши амалиётини кенгайтириш;

4. Инновация муҳити субъектларининг иқтисодий жараён иштирокчилари билан микроиқтисодий даражада ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш мақсадларида:

- саноат корхоналарининг давлат сертификатланишини ташкил этиш;

- корхоналарнинг ишончлилиги даражасини баҳолаш учун

шакллантирилган ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- иқтисодий жараён иштирокчилари учун методик йўриқномалар ишлаб чиқиш;

- саноат комплекси корхоналарининг реал молиявий иқтисодий ҳолатига биноан дифференцияланган солиқ ставкалари ва божхона таърифлари, имтиёзлар ва солиқдан озод этишни қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси нашриёт уйи, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни. Т.: 1998 й. 30 апрель.
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. - Т.: "Ўзбекистон", 2005 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. - Т.: 1998 й. 24 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Тўғридан - тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. - Т.: 2005 й. 11 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни ташкил қилиш тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори. (ўзгартиришлар билан)
10. Ваҳобов. А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2005.- 480 б.
11. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224 б.
12. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия.

2003.-247 б.

13. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари-Т.: "Молия" нашриёти, 2003 й. 332 бет.

14. www.iasc.org.uk (International Accounting Standards Committee).

15. www.cer.uz (Иқтисодий изланишлар маркази).

16. www.pravo.eastink.uz (Иқтисодий қонунлар тўплами).